



Т.Э. Ўлжаев  
йил 10 май

## АВИАЦИЯ ТИББИЁТИ БЎЛИМИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 19 апрелдаги 337-сон қарори, “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низом”, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) стандартлари ва тавсияларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

### 1. Умумий қондалар

1. Авиация тиббиёти бўлими (кейинги ўринларда - бўлим) Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигининг (кейинги ўринларда “Ўзавиация” агентлиги деб аталади) таркибий тузилмаси ҳисобланади ва “Ўзавиация” агентлиги директорининг ўринбосарига бўйсунди.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (кейинги ўринларда - ИКАО) ҳужжатлари, “Ўзавиация” агентлиги тўғрисидаги Низом, ЎР фуқаро авиациясининг норматив ҳужжатлари, “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруқ ва кўрсатмалари ва мазкур Низомга амал қилади.

3. Бўлим ўз фаолиятини “Ўзавиация” агентлиги бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ихтисослаштирилган идоралари ва бошқа вазирлик ва идоралари, авиакорхоналар тиббиёт бўлимлари, МДХ мамлакатлари ФА ТУЭКлари билан ҳамкорликда юритади.

4. Бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва экспериментал авиациясида парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекторлари статусига эгадирлар.

### 2. Бўлим вазифалари ва функциялари

5. Бўлимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) парвозларни тиббий хавфсизлигини таъминлаш ва ўз фаолияти соҳасида парвозларни тиббий таъминланишини (кейинги ўринларда - ПТТ) назорат қилиш;

2) халқаро фуқаро авиацияси Конвенцияси (1944 йил Чикаго конвенцияси) ва унинг Иловалари асосида фуқаро ва экспериментал авиациясида тиббиёт авиациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

3) Марказий тиббий-учиш эксперт комиссиясини (МТУЭК)ни ва уни фаолиятини ташкил этиш;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиакорхоналарида ТУЭК тайинлаш ишларини ташкил этиш ва таъминлаш ва ТУЭК фаолиятини назорат қилишни амалга ошириш;

5) ЎР фуқаро авиациясида тиббий хулосага олишга номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш;

6. Бўлим тайинланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

1) Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенция қоидалари асосида ЎР ФА тиббий хулосага олишга номзодларни соғлиғига ва авиация тиббиётига доир талабларни мукамаллаштириш ва ишлаб чиқиш;

2) Марказий тиббий-учиш эксперт комиссиясини фаолиятини ташкил қилиш;

3) ЎР ФА авиакорхоналаридакейинроқ ТУЭК гувоҳномасини бериш билан ТУЭК тайинлаш бўйича ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

4) ФА да авиация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказишга тиббий хулоса бериш;

5) фуқаро авиацияси авиакорхоналарида ТУЭК фаолиятини назорат қилиш;

6) ФА ТУЭК тиббий хулосаларини эксперт баҳолаш;

7) ЎР ФА ПТТ норматив ҳужжатлар талабларини бажарилишини назорат қилиш;

8) МТУЭК ва ТУЭКнинг даволаш-соғломлаштириш ва профилактикага доир тавсиялари, услубий қўлланмаларини авиация шифокорлари “Ўзаэронавигация” ва БКБ томонидан риоя қилишни назорат қилиш;

9) фуқаро ва экспериментал авиацияда инсон омили билан боғлиқ бўлган авиация ҳодисалари ва инцидентларини текширишда қатнашиш;

10) ЎР ФА эксплуатантлари ва провайдерларини сертификация ва инспекциясида иштирок этиш;

11) парвозларни тиббий таъминлаш ва авиация тиббиёти масалаларига оид Халқаро ташкилотлар фаолиятида, фан-амалиёт конференциялари ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

12) Агентлик автотранспорт ҳайдовчиларини сменаолди кўригидан ўтказиш.

13) Бўлим ваколати доирасига кирувчи масалар бўйича ташкилотлар билан ўзаро ёзишувни олиб бориш;

14) Бўлим ваколати доирасига кирувчи бошқа ваколатларни амалга ошириш.

### **3. АТБ фаолиятини ташкил этиш**

7. Бўлимга “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан лавозимга тасдиқланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади. Бўлим бошлиғи МТУЭК раиси ҳисобланади ва Агентлик директори ўринбосарига бўйсинади.

8. Бўлим бошлиғи лавозимида олий тиббий маълумотга, даволаш факультетини тугатган, авиация ва космик тиббий шифокори сертификатига, юқори малакали, 5 йилдан кам бўлмаган стажга, ундан 3 йилдан кам бўлмаган ТУЭК (МТУЭК) шифокор-эксперт тажрибасига эга мутахассис тайинланади.

9. Бўлим ўз фаолиятини “Ўзавиация” агентлиги директори ўринбосари тасдиқлаган йиллик режа асосида амалга оширади.

10. Бўлим иш тартиби ““Ўзавиация” агентлиги ходимлари учун ички меҳнат тартиби” асосида белгиланади.

11. Бўлим бошлиғи бўлмаган пайтда унинг вазифасини бўлимнинг етакчи мутахассис шифокор-эксперти бажаради. Бўлим ўз номи ёзилган муҳрга эга.

### **4. Бўлим бошлиғининг мажбурийатлари ва ҳуқуқлари**

12. Бўлим бошлиғи ушбу Низом асосида юклатилган вазифа ва функциялардан келиб чиқиб қуйидагиларга мажбур:

1) Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг асосий қоидаларини, авиация тиббиётига оид ИКАО стандартлари ва тавсиялари ва ЎР ФА норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, меҳнат қонунчилиги асослари, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини, техника хавфсизлигини билиши;

2) бўлим фаолиятини ташкил этиши ва раҳбарлик қилиши, бўлимга юклатилган вазифа ва функцияларни бажарилишини назорат қилиши;

3) ТУЭК томонидан авиация ходимларига берилган тиббий хулосаларни тиббий томондан аниқ қилиб берилганини назорат қилиш;

4) ЎР ФАсида авиация тиббиётига оид норматив ҳуқуқий ғужжатларни ишлаб чиқишни ташкил этиш ва таъминлаш;

5) иш юритишни олиб борилишини, ТУЭК гувоҳномасини қайд қилиш ва сақланишини назорат қилиш;

6) бўлим йиллик режасини ишлаб чиқиш ва бажарилишини назорат қилиш;

7) ички меҳнат тартиби, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлиги, иш жойининг санитария қоидаларига риоя қилиш;

8) фаолиятига доир тиббий ва бошқа ҳужжатлар махфийлигини, тартиби ва сақланишини таъминлаш;

9) тиббий бўлимлар бажарган ишлари бўйича статистик маълумотларни анализ қилиш ва ПТТ мукамаллаштиришга доир тавсияларни ишлаб чиқиш;

10) ўз малакаси ва касбий даражасини тегишли ўқув курслари (ФА фаолияти соҳасидаги Ҳалқаро ташкилотлар семинарлари, конференция ва бошқалар) орқали ошириб бориш.

13. Бўлим бошлиғи ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) ТУЭК ва учинч отрядлари ва хизматлари шифокорлари томонидан МТУЭКга тақдим этилаётган тиббий ҳужжатларни сифатли расмийлаштиришни талаб қилиш, уларнинг беғаразлиги ва ҳаққонийлигини текшириш. Тегишли тиббий қисм раҳбарларига йўл қўйилган кәмчиликларни (нормувофикликларни) бартараф қилиш учун кўрсатмалар ва тавсиялар бериш;

2) якуний тиббий хулоса чиқариш мақсадида кўриқдан ўтаётганларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ихтисослаштирилган Марказлари ва муассасаларига текшириш ва маслаҳат учун юбориш;

3) мураккаб ва тортишувли ҳолатларда якуний тиббий хулоса чиқариш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг малакали мутахассислари ва ФА ТУЭК бошқа мутахассисларини жалб қилиш;

4) авиация ходимларига ўз касбий фаолиятларини амалга ошириш учун берилган “тиббий хулоса”ни амал қилиш муддатини тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганда, ўрнатилган тартиблар асосида қисқартириш ёки узайтириш;

5) кўриқдан ўтувчи томонидан тиббий анамнезда ҳар қандай ёлғон, ишончсиз маълумот тақдим этилган ҳолатда илгари берилган “тиббий хулоса”ни тўхтатиб туриш;

6) Ўзбекистон Республикаси ФА тегишли идора, авиакомпания/авиакорхоналари мансабдор шахсларидан АТБга юклатилган функцияларни бажариш учун керакли бўлган маълумотлар, ҳужжатлар, ахборотлар ва бошқа материалларни сўраш, талаб қилиш ва олиш;

7) “Ўзавиация” агентлиги раҳбариятига кўриб чиқиш учун тиббий парвозлар хавфсизлигини бузилишига хавф солувчи омиллар аниқланганда, ФА ТУЭК гувоҳномаларининг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки узайтириш, парвозларни тиббий таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари такомиллаштириш, соғлиқ ҳолати билан боғлиқ бўлган авиация ҳодисалари ва инцидентларни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини назорат қилиш бўйича таклифлар киритиш;

8) авиация тиббиётига оид Ҳалқаро ташкилотлар фаолиятида, конференция ва семинарларда қатнашиш.

## **7. Бўлим бошлиғининг жавобгарлиги**

14. Бўлим бошлиғи ўз ваколатлари доирасида қуйидагилар бўйича шахсий жавобгарликни ўз зиммасига олади:

ушбу Низом орқали юклатилган вазифа ва функциялар бажарилишини;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини;

ФА авиаходимларига нисбатан қабул қилинган хулоса ва қарорларни ҳаққонийлигини;

бўлим ишлаб чиққан норматив ҳужжатлар лойиҳаларини сифатини;  
иш бошқаришни белгиланган талаблар асосида ташкилаштиришга;  
бўлим ишчиси томонидан “Ўзавиация” агентлиги ички меҳнат тартиби, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги риоя қилинишига, лавозим йўриқномасида белгиланган ўз мажбуриятларини бажаришига;  
“Ўзавиация” агентлиги ходимларининг этика ҳулки қоидаларига риоя қилинишига;  
давлат ва тиббий сирларини ошқор қилишга.

АТБ бошлиғи



Нигматова С.И.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Бошлик ўринбосари**




**О.Н. Лим**

**МИБ бошлиғи**



**Н.У. Индина**

**Бош юрисконсулт**



**И.Р. Байбурина**

**Касаба кўмитаси раиси**



**Р.Д. Гулямов**

**Танитдим:**

Т/х:  
Ишга - 1  
АТБ-1

